

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт ва молия
вазирлиги

2024 йил “26” август
06/33/40

Ўзбекистон Республикаси
Мақтабгача ва мақтаб таълими
вазирлиги

2024 йил “26” август
05-30-2660

Қорақалпоғистон Республикаси
Иқтисодиёт ва молия вазири, вилоятлар
ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва молия
бош бошқармалари бошлиқларига

Қорақалпоғистон Республикаси
Мақтабгача ва мақтаб таълими вазири,
Тошкент шаҳар ва вилоятлар мақтабгача
ва мақтаб таълими бошқармалари
бошлиқларига

Умумтаълим муассасаларида синфларни ҳудудий жойлашувидан келиб чиқиб комплектлаш ва тарификация рўйхатларини шакллантириш Адлия вазирлигида 2020 йил 30 июнда 3271-сон билан рўйхатга олинган ҳужжат билан тасдиқланган “Умумтаълим муассасаларида синфларни комплектлаш ҳамда тарификация рўйхатларини шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Бугунги кунда янги 2024-2025 ўқув йилига пухта тайёргарлик кўриш ҳамда умумтаълим муассасаларида ўқувчилар сони синфларни комплектлашнинг ўзига хос шарт-шароитларидан келиб чиқиб синфларни белгиланган меъёрлар асосида комплектлаш мақсадида, қуйидагиларни **назоратга олишингиз сўралади:**

1. Мақтабгача ва мақтаб таълими бўлимлари, иқтисодиёт ва молия органлари ҳамда санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг умумтаълим муассасаларида синфларни комплектлаш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этиш тўғрисидаги тегишли буйруқларини қабул қилиш.

2. Умумтаълим муассасаларида янгидан ташкил этилаётган синфларни амалдаги қонунчиликда белгиланган меъёрлар асосида ўқувчилар билан (комплектлаш) тўлдириш.

3. Синфдан синфга ўтувчи синфларда ўқувчилар сонини хатловдан ўтказиш ва ўқувчилар контингенти пасайган барча ҳолларда синфлар ва мақтаблар ўртасида ўқувчиларни қайта тақсимлаш, уйда яқка тартибда таълим оладиган ўқувчиларни синфдаги ўқувчилар сонидан айрилган ҳолда комплектлаш масаласини кўриб чиқиш.

4. Синфларни жамлашни ташкил қилишда синф хоналарининг намунавий режасига, уларда парта ва столларни жойлаштириш имкониятига, айниқса асоссиз равишда синфлар тўлдирилиши пасайиб кетган ҳудудларда эътиборни кучайтириш.

5. Синфларни комплектлаш ҳамда тарификация рўйхатларини шакллантиришда

бюджет маблағларини тежаш ҳамда самарасиз харажатларни мақбуллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш.

6. Янги ўқув йилида **санаторий туридаги** ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари негизида ташкил этилган умумий ўрта таълим муассасаларини мазкур Низомга асосан синфларини комплекшлаш ва тарификация рўйхатларини шакллантириш.

7. Дарс соатларини мазкур Низомда белгиланган устувор кетма-кетлик асосида адолат принципларига риоя қилган ҳолда тақсимлаш.

8. “УзАСБО” дастурий мажмуасига умумтаълим муассасалари мавжуд синфлар ҳамда шу асосда тузилган тарификация рўйхатлари бўйича маълумотларни белгиланган муддатларда тўғри ва аниқ киритиш.

Бундан ташқари, 2024 йил 25 сентябрига қадар ўз ҳудудингиздаги барча типдаги умумтаълим муассасалари бўйича синфларни жамлаш юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича умумлаштирилган (тасдиқланган) маълумотларни Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига тақдим этишингиз сўралади.


Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 апрелдаги ПФ–106-сонли Фармониغا асосан 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб фанлар чуқур ўқитиладиган мактаблар ҳамда мактаб-интернатлар босқичма-босқич умумий ўрта таълим мактаблари сифатида қайта ташкил этилиши муносабати ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларда умумтаълим синфлари (оддий) ташкил этилмоқда.

Бугунги кунга қадар мазкур Фармон талабларидан келиб чиқиб, умумтаълим муассасаларига айлантирилаётган мактаб ва мактаб-интернатларни сақлаш харажатлари тегишли маҳаллий бюджетлар томонидан фанлар чуқур ўқитиладиган мактаб ва мактаб-интернатлар учун амалдаги қонунчиликда белгиланган шартларда молиялаштирилиб келинмоқда.

Мазкур муассасаларда фанлар чуқур ўқитиладиган синфлар тўлиқ тугатилмаганлиги ҳамда умумтаълим синфлари (оддий) босқичма-босқич ташкил этилаётганлигини инобатга олиб, уларнинг сақлаш харажатлари учун тегишли маҳаллий бюджетлар ҳисобидан маблағ ажратиб бориш чорасини кўришингиз сўралади.



**Иқтисодиёт ва молия
вазирлиги ўринбосари**

 О. Фозилкаримов



**Мактабгача ва мактаб таълими
вазирлиги ўринбосари**

 Т. Комилов